Ушбу сонда:
2 ФЕРМЕР мулкдорлар синфининг истиқболли вакили
3 TV-ДАСТУРИ
4 ЖУМА ЎГИТЛАРИ

ГАЗЕТА 1991 ЙИЛ 21 МАРТДАН ЧИҚА БОШЛАГАН

# ISHONCH

ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФЕДЕРАЦИЯСИ ГАЗЕТАСИ

2004 йил 8 октябр, жума № 161 (1794)

СЕШАНБА, ЧОРШАНБА, ЖУМА ВА ШАНБА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ

## АҲОЛИГА ТОЗА ИЧИМЛИК СУВИ

***Тахиатош шаҳридаги сув тозалаш иншооти АҚШда ишлаб чиқарилган замонавий ускуналар билан жиҳозланиб, таъмирдан чиқарилди. Натижада 180 минг кишилик аҳолини тоза ичимлик суви билан узлуксиз таъминлаш имконияти пайдо бўлди.***

Бу хайрли иш Марказий Осиёда табиат ресурсларини бошқаришни такомиллаштириш дастури /NRMP/ доирасида амалга оширилди.

Дастурнинг USAID томонидан молиялаштирилган «Қорақалпоғистонда тоза ичимлик суви» халқаро лойиҳаси асосида аҳолининг ичимлик сувига талаби тўла қондириб борилмоқда. Унда Нукус насос станцияси, Тахиатош шаҳри ва Хўжайли тумани сув қувурлари тармоқларини ҳам янги ускуналар билан жиҳозлаш кўзда тутилган.

**(ЎзА)**




## МЕҲНАТ ҚУВОНЧИ

*Яқинда Шовот туманида «Шовоттекс» Ўзбекистон-Германия қўшма корхонаси ишга туширилган эди.*

*Япониядан келтирилган «Жуки» тикув машинаси ёрдамида маҳаллий хом ашёдан тайёр маҳсулот ишлаб чиқариш йўлга қўйилди. Бу ерда тикилаётган эркаклар кўйлаклари ва майкалари республика аҳолисига манзур бўлмоқда.*



*Корхона бир йилда 3 миллион 360 минг дона трикотаж маҳсулотлари тайёрлаш қувватига эга. Айни пайтда бу ерда юздан ортиқ йигит-қиз меҳнат қилмоқда. Корхона тўла қувват билан ишласа, қўшимча 200 ишчи ўрни яратилади.*

*Бу ерда ишчилар учун барча шароит яратилган. Ошхона, спорт майдончаси, маънавият хонаси улар ихтиёрида.*

**Суратларда: бир гуруҳ тикувчи қизлар; тикув цехида.**

**Р.ЖУМАНИЁЗОВ (ЎзА) олган суратлар**

## ИККИ ПАЛАТАЛИ ПАРЛАМЕНТ АФЗАЛЛИГИ

***Курраи заминда инсон пайдо бўлганидан буён ўтган минг йиллар мобайнида одат тусига айланган энг муҳим ҳодисалардан бири бу, шубҳасиз, одамзотнинг қонун асосида яшаш ва ишлашга ўрганганидир. Бугун жаҳоннинг деярли барча мамлакатларида қонун кундалик турмушнинг асосий мезонига айланган.***

Эркин демократик жамият қуриш истаги билан яшаётган ҳар бир халқ яратилаётган ҳар бир қонуннинг адолатли, халқчил, содда ва тушунарли, инсон ҳуқуқ ва манфаатларини янада чуқурроқ ҳимоя қила оладиган бўлишига эришишга интилади.

Бунинг учун Президентимиз Ислом Каримов айтганларидек, албатта, қонунчилик жараёнини, аввало қонун қабул қилувчи орган фаолиятини янада такомиллаштириш тақозо этилади. Мамлакатимизда олий давлат вакиллик органи ҳисобланадиган ва қонун чиқарувчи ҳокимиятни амалга оширадиган Олий Мажлиснинг келгусида икки палатали парламент тизимига ўтиши ҳам ушбу мақсадга йўналтирилган.

2002 йилнинг 27 январида ўтказилган референдум ва у асосида қабул қилинган «Референдум якунлари ҳамда давлат ҳокимияти ташкил этилишининг асосий принциплари тўғрисида»ги, «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати тўғрисида»ги, «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси тўғрисида»ги конституциявий қонунлар икки палатали парламент тизимига ўтиш учун зарур ҳуқуқий асосни яратди.

Ўзбекистон Конституциясига тегишли ўзгартишлар киритилди, сайлов тўғрисидаги қонунларимиз такомиллаштирилди.

Хўш, икки палатали парламент тизимига ўтишнинг моҳияти нимада? У қандай шакллантирилади? Қандай ваколатларга эга бўлади ва қандай тузилмалардан таркиб топади?

**Бир палатали парламент афзалми ёки икки палатали?**

Бир палатали парламентлар одатда ҳудуди, аҳолисининг сони камроқ бўлган давлатларда, икки палатали парламентлар эса, аксинча, ҳудуди каттароқ ва аҳолисининг сони кўпроқ бўлган давлатларда фаолият кўрсатади.

Бир палатали парламент тизимининг ўзига хос ижобий жиҳати, биринчидан, унинг соддалиги ва шаклланишининг осонлигида бўлса, иккинчидан, қонун ҳужжатларининг тезроқ қабул қилинишида кўринади. Лекин икки палатали парламентнинг афзалликлари кўпроқ. Чунки, икки палатали парламент тизимида мувозанатни сақловчи иккинчи палата мавжуд, аҳолининг турли қатламлари ва мамлакатнинг турли маъмурий-жуғрофий ҳудудлари манфаатлари кенгроқ ифода этилади, қабул қилинадиган қонунларнинг янада пишиқроқ ва мукаммалроқ бўлиши таъминланади ва ҳоказо.

Жаҳон тажрибасига кўра, икки палатали парламентлар одатда қуйи ва юқори палаталардан иборат бўлиб, қуйи палата бевосита фуқаролар томонидан сайловлар асосида шакллантирилади. Юқори палата эса маъмурий-ҳудудий бўлинмалар (вилоятлар)нинг тенг миқдордаги вакилларидан иборат бўлади ва, қоидага кўра, ушбу ҳудудлар манфаатларини ифодалайди.

> **26 ДЕКАБР**
> **Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва маҳаллий Кенгашларга сайлов куни!**

Қолаверса, палаталарнинг бир-бирини тийиб туриши, парламент ва бошқа ҳокимият тармоқлари орасида ўзаро мувозанатни вужудга келиши жамиятда сиёсий барқарорлик асоси бўлиб хизмат қилади. Шу билан бир қаторда сиёсий партияларнинг аҳамияти ортиб, уларнинг қонунчилик соҳасидаги иштироки фаоллашади, фикрлар хилма-хиллигига янада кенгроқ шароитлар яратилади.

Икки палатали парламентнинг вужудга келиши қонун чиқарувчи ҳокимият ролининг ошишига ва парламентнинг қабул қилинган қонунлар ижроси устидан назорати кучайишига, натижада эса, қонунларнинг яхшироқ ижро этилишига олиб келади. Шу сабабли ҳам жаҳондаги тараққийпарвар мамлакатлар ўз миллий парламентларини икки палатали тизимга ўтказиш учун интилмоқдалар.

**Парламент қандай шакллантирилади?**

Парламентни шакллантиришнинг қатор усуллари мавжуд бўлиб, улар орасида энг кенг тарқалгани - парламентнинг умумхалқ сайлови асосида шакллантирилишидир.

Агар парламент икки палатадан иборат бўлса, одатда, унинг қуйи палатаси аъзолари бевосита фуқаролар томонидан сайланади. Юқори палатаси эса турли йўллар билан, хусусан, умрбод ёки муайян муддатга тайинлов асосида, ворислик натижасида, қуйи палата аъзолари орасидан сайлов ўтказиш йўли билан, турли ижтимоий табақа аъзоларига муайян ўринлар ажратиш орқали, маъмурий-ҳудудий мансублик асосида шакллантирилиши мумкин.

Масалан, икки палатали парламентга эга бўлган Францияда қуйи палата аъзолари бевосита ушбу мамлакат фуқаролари томонидан сайланади, юқори палата эса маъмурий ҳудудлар (вилоятлар)нинг вакиллик органлари томонидан шакллантирилади. Бундай усул Голландияда ҳам қўлланилади.

Буюк Британия парламентининг қуйи палатаси (Вакиллар палатаси) аъзолари бевосита фуқаролар томонидан сайланса, юқори палата (Лордлар палатаси) таркибининг учдан икки қисми ворислик асосида шаклланади, қолган қисми эса Қиролича томонидан тайинланади.

Норвегия ва Исландияда парламентларнинг қуйи палаталари аъзолари халқ томонидан сайланади, юқори палаталари эса айнан қуйи палата аъзолари орасидан ушбу палата йиғилишида сайлов асосида шакллантирилади. Осиё қитъасида жойлашган Қатар давлати парламентининг барча аъзолари давлат раҳбари томонидан тайинланади. Миср, Ҳиндистон ва Хитой давлатларида аҳолининг алоҳида синфлари (деҳқонлар, ишчилар, ҳарбийлар) учун мамлакат парламентида муайян ўринлар ажратилган.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг янги тизимга муваффақиятли ўтиши ва икки палатали парламент сифатида самарали фаолият олиб бориши учун барча ҳуқуқий замин деярли тайёр бўлди, дейиш мумкин. 2003 йил 28 августда янги таҳрирда қабул қилинган «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида»ги қонунда мамлакатимиз Парламентини шакллантириш йўллари ўзининг аниқ ифодасини топган.

Ушбу Қонунга кўра, Олий Мажлис қуйи палатаси - Қонунчилик палатаси аъзолари, яъни депутатлар Республика фуқаролари томонидан, юқори палата - Сенат аъзоларининг, яъни сенаторларнинг асосий таркиби эса Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳридан тенг миқдорда - олти кишидан сайланади. Сенатга сайлов Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, вилоятлар, туманлар ва шаҳарлар давлат ҳокимияти вакиллик органлари депутатларининг тегишли қўшма мажлисларида мазкур депутатлар орасидан яширин овоз бериш йўли билан сайланади. Сенатнинг ўн олти нафар аъзоси эса мамлакат Президенти томонидан тайинланади.

**(Давоми бор)**

*Ислоҳот инсон учун*

## ЭЛ-ЮРТНИ ВАТАН МАНФААТИ БИРЛАШТИРАДИ

***Юртбошимиз жойларда амалга оширилаётган ислоҳотлар жараёни, қишлоқ аҳлининг турмуши билан янада яқинроқ танишиш мақсадида Қашқадарё ва Сурхондарё вилоятларида бўлди. Деҳқонлар билан учрашувларда далада ишлаётганлар меҳнатини қадрлаш, рағбатлантириш, фермерлик ҳаракатини ривожлантириш, оила пудрати самарадорлигига эришиш ҳақида алоҳида тўхталиб ўтилди.***

Яккабоғ Қашқадарё вилоятининг энг сўлим масканларидан. Қадимда Кеш (Шаҳрисабз) ҳудудида Хўжаилғор қишлоғи жойлашган.

Туманнинг умумий ер майдони 111 минг гектардан ортиқ бўлиб, юқори қисми баланд тоғларга туташиб кетган. Жануб ва Шарқдан Ҳисор тоғи ва унинг кунгай бетида Осмонталош, Башнав, Эшакмайдон, Хонтахт, Тойталаш, Мойданак, Қуроқ, тизимлари ўраб туради. Жанубдан Шаҳрисабз, шарқдан Сурхондарё вилояти билан чегарадош.

Қадимшуносларнинг олиб борган текширишлари кўрсатиб турибдики, бу жойлар мелоддан аввалги замонларда ҳам обод аҳоли манзилгоҳлари бўлган. Ер ости шаҳри Учтепа, Қайрағочтепа, Сариқтепа, Сурнайтепа, Қаратепа каби обидалар ўтмишда ҳаёт жўш урганлигини исботлайди. Яккабоғ тупроғи Эрон аҳамонийлари, Александр Македонский, Турк ҳоқонлиги, араблар, сомонийлар, қорахонийлар, салжуқийлар, чингизийлар даврининг гувоҳи бўлган.

Луғавий атамаси «Боғли жой» маъносини билдирадиган оромбахш маскан хушманзара табиати, чучук суви, тоғ бағридан жилдираб оқадиган илонизи ирмоқлари, мевазор боғлари билан Қашқа воҳасининг жаннатмакон мавзеси сифатида рўйхатга кирган. Буюк Ипак йўлининг уч тармоғи орқали карвонларни Мағриб ва Машриққа йўллаган. Катта Ўзбек тракти – Тошкент-Термиз автомобил, Тошкент-Китоб темир йўли туман ҳудудидан ўтади.

Асосий сув манбаи Қизилдарё осмонга елка қўйган улкан чўққилардан бошланиб, Яккабоғдарёга, чап томондан Хурсанд, Чорикўл, Оқсув, Шерон, Турнабулоқ ўнг томондан Мезиктов, Арратош, Қизбурун, Сувлисой, Ҳайдарбулоқ ирмоқларига қўшилади.

Туман табиати ранг-баранг ва ўсимлик дунёсига бой. Ҳисор қўриқхонасида далачой, тоғпиёз, анзурпиёз, бинафша, тирноқгул, ёнғоқ, зулпитурум, мойчечак, қирқбурун, тарғиллола, айиқтовон каби «Қизил китоб»га киритилган 500 дан ортиқ ўсимликлар, қорақоплон, қўнғирайиқ, кундуз, силовсин, тоғ бургути, қор ғажири, тоғ ғози, ҳилолкаклиги каби ёввойи ҳайвонлар, тўрт хил балиқ, 27 хил сут эмизувчилар, 30 хил қушлар бор.

Қизилдарё юқорисида жуда қадимда отилган вулқон қолдиқларидан сўнг кўплаб фойдали қазилма конлари вужудга келган. Тоғларда тошкўмир, чиннибоп тошлар... йўл-йўл мармар, оҳактош, туз конлари заҳиралари мавжуд. Тошқўрғондан тошкўмир, Оқсой-Бўйноқсой мавзесида серисит кварй, Ўғин қишлоғи яқинида шиша кони, Сувликўл, Вори, Тутак ота, Чуянли қишлоқлари атрофи турган битгани бойлик.

Буюк истиқлол руҳи ва нашидаси билан йўғрилган саодатли кунлар яккабоғликларда порлоқ келажакка ишонч ва умид туйғуларини уйғотди. Мустақиллик шарофати билан катта иқтисодий, ижтимоий, маънавий-маърифий ўзгаришлар рўй берди. Аҳоли даромадлари кўпайиб, турмуш тарзи тубдан ўзгарди. Миллий қадриятлар қарор топди. Бунёдкорлик йўлидан бораётган фидойи инсонлар ўз истеъдодлари, ижодкорликларини намойиш этмоқдалар. Кейинги йилларда туманда улкан яратувчанлик ишлари амалга оширилди.

**(Давоми 2-бетда)**

## АСАКАДА КИЧИК БОСМАХОНА

***Асакада "Сирожиддин" ишлаб чиқариш фирмаси мини босмахона ишга туширди. Бу ерга 12,5 миллион сўмлик замонавий ускуналар ўрнатилди.***

Фирма раҳбари Мирзажон Дўстматовнинг таъкидлашича, босмахона ускуналари шаҳар савдо-саноат палатасининг кўмаги билан лизинг асосида олинди.

Замонавий ускунани ўрнатиш ва ишлатишда Россиядан келган малакали мутахассислар иштирок этди. Улар асакалик матбаачиларга ҳам янги ускуналарда ишлашни ўргатишди.

Ушбу кичик босмахонанинг ишлаб чиқариш линияси бир соатда беш минг донага қадар оддий бланкадан тортиб мураккаб босма маҳсулотларини тайёрлай олади.

## БОЖХОНАЧИЛАР ҲУШЁРЛИГИ

***Икром Одилов «ЗИЛ-130» русумидаги шахсий автомашинасида қўшни Тожикистонга 7700 килограмм аммиакли селитрани ноқонуний ўтказаётганида Сирдарё вилояти божхона бошқармаси ходимлари томонидан қўлга олинди.***

- Бу ходимларимиз томонидан аниқланган ягона ҳолат эмас, -дейди бошқарма бошлиғининг ўринбосари Иброҳим Ҳайдаров. -Тошкент-Қарши йўналиши бўйича қатнаётган «Икарус» русумли автобус текширилганда, 3 миллион 609 минг сўмлик турли автомобил эҳтиёт қисмлари олиб кетилаётгани аниқланди. Эҳтиёт қисмлар эгаларининг пойтахтда сотиб олган ушбу товарларига ҳеч қандай ҳужжатлари йўқ эди.

Фуқаро Гулбаҳор Мирзаева эса айланма йўллар орқали Ўзбекистон-Қозоғистон чегарасидан 579 минг сўмлик пойабзалларни олиб ўтмоқчи бўлганида қўлга олинди.

Айланма йўл орқали Тожикистонга деярли ўн тонна буғдойни олиб чиқиб кетмоқчи бўлган «КамАЗ-53212» русумли автомашина эгаларининг уриниши ҳам пучга чиқди. Улар ҳам божхона ходимларининг ҳушёрлиги натижасида тўхтатиб қолинди.

**(ЎзА)**

*Астоғфуруллоҳ!*

## ФАРИШТА ҚИЁФАСИДАГИ ФИРИБГАР

***«... Наманган шаҳридаги собиқ Давлатобод тумани ижтимоий таъминот бўлими ходими К.Умурзақова... ўз хизмат вазифасини суиистеъмол қилиб... пенсионерларга тегишли уй-жойларни ўз номига ўтказиб олган ва жами 4,2 миллион сўмлик мол-мулкни товламачилик йўли билан ўзлаштиргани учун судланган».***

(Наманган вилоят Кенгашининг навбатдан ташқари сессияси ҳужжатларидан).

Аёллар ҳақида катта ҳурмат ва миннатдорчилик ила гапирамиз. Ҳаётимиз гуллари бўлмиш хотин-қизлар мустақил Ўзбекистонимизда катта куч ҳисобланади. Улар ноз-неъмат етиштириш, замонавий дастгоҳларни бошқариб, харидоргир маҳсулотлар тайёрлаш, фарзанд тарбиялаш, давлатни бошқариш ишларида жонбозлик кўрсатиб келмоқдалар. Тадбиркор аёллар сони йил сайин ошиб бораётгани янада қувонарли.

Бироқ ҳаётда оз бўлсада, шундай аёллар ҳам учрайдики, уларнинг устомонлиги, қинғир ишларга қўл уриб, табаррук номга доғ тушираётганини кўриб бағоят ҳайратланасан киши. Комила Умурзақова бир кўришда хушмуомала, ташкилотчи айни пайтда билимдон мутахассис сифатида таассурот қолдиради. Таажжубки, одамнинг оласи ичида, деганларидек, у тамомила ўзга йўлни танлаган экан. Яъни, ҳалол меҳнат ила умргузаронлик қилиш, касбига сидқидилдан муносабатда бўлиб, ёрдамга муҳтож кимсаларга ҳамкору мададкор бўлиш ўрнига уларни авраб, бир нарсали бўлишга ружу қилди. Устомонлигини қарангки, кимларнидир лақиллатиб, сохта ҳужжатлар битиб иккинчи гуруҳ ногирони бўлиб олди. Биламизки, бу ҳужжат эгаси ҳеч қаерда ишламасдан давлат ғамхўрлиги ва таъминотида юриши керак. Бироқ Умурзақова нафақа пулига қаноат қилиб юрадиганлар тоифасидан эмасди. Қандай қилиб бўлмасин мўмай пулли бўлиш, бисотни кўпайтиришга уринарди. Ўйлаб қараса Давлатобод тумани ижтимоий таъминот бўлими айни кўзланган жой. Мақсадига эришиш учун қатъий ҳаракат қилиб, якка-ёлғиз фуқароларга хизмат кўрсатувчи бўлим ходимаси бўлиб олди.

Асосий вазифаси 8-10 нафардан кам бўлмаган ишга яроқсиз, ўзгалар парваришига муҳтож қарияларга хизмат қилиш, ҳафтада камида икки марта уларнинг ҳолидан хабар олиб, мушкулларини осон этиш, қариялар билан келишган ҳолда бозор ёхуд дўкондан озиқ-овқат маҳсулотлари олиб келиш каби савобли ишларни бажариши керак эди. Дастлабки кезлари ходима яхши ишлади. Табаррук инсонлар кўнглини овлаш, уларга чинакам ёрдамчи бўлишга интилди. Вақт ўтиши билан у ўзига бириктирилган қариялар айниқса, саломатлиги ёмонлашган кимсалар ишончини қозонгач, дилига тугиб қўйган мақсадини амалга оширишга киришди.

Ўйлаб қараса 6-кичик туман, 24-уй, 8-хонадонда яшовчи М.Кипчинани касал ва ёлғизлик анча толиқтирган. Бундай пайтда инсон бир оғиз ширин сўзга, озгина ёрдамга маҳтал бўлади. Ўз қизидек бўлиб қолган Комилахоннинг ҳузурига келишини интиқлик билан кутарди. Буни яхши сезган ижтимоий таъминот бўлими ходимаси кампирни авраб, ҳатто уйини ўзига васият қилиб қолдиришга мажбур қилиб васиятнома ёздирди. Иш осонгина кўчгач, васиятномани нотариал идора орқали тасдиқлатиб олди. Қарабсизки, М.Кипчина оламдан кўз юмгач, унинг квартираси М.Умурзақовага ўтди-қолди. Орадан бир йил ўтар-ўтмас устомон аёл марҳуманинг уйини 500 минг сўмга сотиб, мўмай пулга эга бўлди.

Текин пул топишнинг мазасига тушунган товламачи аёл энди ёши улуғ, касалманд ва айниқса, якка-ёлғиз қариялар атрофида гирдикапалак бўлишга зўр берди. Шундайлардан бири Нина Мартинова ўзининг янги «меҳрибони»дан ғоятда миннатдор эди. Бир ой ўтгач, пенсионер аёлнинг «тутинган қизи»га айланган Умурзақова мақсадга кўча бошлади. Кампирни ширин сўзлар билан ийдириб, умрининг охиригача унинг ёнида бўлиб, ҳеч нарсадан зориқтирмай яшаши учун барча шароитни муҳайё қилишга сўз берди. Бунинг эвазига Нина Мартиновадан қойилмақом қилиб «васиятнома» ёздириб олишга эришди. Бу гал ҳам иш хамирдан қил суғургандек кўчди. Мартинова оламдан кўз юмгач, Комила Умурзақова яна квартирали бўлди. Кўп ўтмай уни яхшигина пулга сотиб юборди.

Энди босар-тусарини билмай қолган аёл қора ишларига ўғли Шерзодни ҳам аралаштирди. Касаллиги туфайли тўшакка михланиб қолган Н.Ширяеванинг қўйнини пуч ёнғоққа тўлғазиб, унинг ёнига Шерзодни қоровул қилиб қўйди. Кейинчалик маълум бўлишича, товламачилик йўлини тутган Умурзақова касал аёлни мажбурлаб васиятнома ёздириб олган экан. Н.Ширяева оламдан кўз юмгач, она-бола уйли, мол-мулкли бўлиб олишди...

Комила Умурзақованинг ўғли билан амалга оширган ҳайратомуз ишларини яна давом эттириш мумкин. Ҳаммаси ҳам майли, ўзини фариштадек қилиб кўрсатган, аслида фирибгарга айланган аёл А.Поливенчук, Н.Танабаеваларни ҳам макр ила доғда қолдирганини, уларга нисбатан бағритошлик қилганини эшитганлар айбдор шаънига лаънатлар ўқишди.

Жиноят ишлари бўйича Наманган вилоят судининг мажлисида она ва боланинг жиноий ишлари кўриб чиқилиб, ҳар иккиси узоқ муддатга қамоқ жазосига ҳукм этилди.

**О.ЖУМАНАЗАРОВ,**
**«Ишонч» мухбири**

# ЭЛ-ЮРТНИ ВАТАН МАНФААТИ БИРЛАШТИРАДИ

(Боши 1-бетда)

Бандлик дастури асосида иш ўринлари очиш, саноат ва мулкчиликни янги шаклларини ривожлантиришга алоҳида эътибор бериляпти. «Ўзбекистон» кўп тармоқли корхонаси негизида бир йилда 3600 тонна ип-калава ишлаб чиқаришга мўлжалланган «Яккабоғтекст» Ўзбекистон-Германия қўшма корхонаси ишга туширилди. Республика енгил саноатининг гигантларидан ҳисобланган янги мажмуада ўрнатилган ускуналар ёрдамида 3600 тоннадан зиёд пахта толаси қайта ишланиб, ип-калавага айлантирилади. Тайёр маҳсулотнинг 80 фоизи хорижга экспорт қилинади.

Тадбиркор Эшқувват Ашуровнинг саъй-ҳаракатлари туфайли фойдаланишга топширилган янги мажмуада 250 кишилик иш ўрни очилиб, замонавий дастгоҳларни етарли малака орттирган маҳаллий йигит-қизлар бошқаришяпти.

Осиё Тараққиёт ва Тикланиш банкидан 843 минг 637 АҚШ доллари миқдорида кредит олиниб, «Зиёнур» корхонаси ташкил этилган эди. Германиядаги «Лиҳоцки» фирмасининг макарон ва «Хольсберг» фирмасининг печенье ишлаб чиқарадиган технологиялари ўрнатилди. Хорижий мутахассислар асбоб-ускуналарни ишлатиш сирларини яккабоғлик ёшларга қунт билан ўргатдилар.

Бир кеча-кундузда 6 тонна сифатли маҳсулотлар ишлаб чиқараётган корхона жамоаси эҳтиёжи ва талабидан келиб чиқиб, 7 турдаги макарон ва 5 турдаги печенье тайёрламоқда. Яқинда турли хил конфетлар ва маъданли сув тайёрлаш цехлари ишга туширилиб, 50 дан ортиқ йигит-қиз иш билан таъминланади.

«Шаробконсерва» очиқ ҳиссадорлик жамияти негизида қўшма корхона ташкил этилганлиги, бунинг натижасида 30 дан ортиқ иш ўринлари очилганлиги туман иқтисодиётини мустаҳкамлашга хизмат қилаяпти.

Шаҳар марказида минг рақамли автомат телефон станцияси фойдаланишга топширилиб, замонавий алоқа уйи қад кўтарди. «Алкател» компаниясининг «S-12» русумли 2500 рақамли телефон станцияси мижозларга намунали хизмат кўрсатяпти. Вилоят ҳокимининг «Вилоятнинг тоғ, тоғ олди ва лалмикор ҳудудларида 2004-2006 йилларда қишлоқ хўжалигининг боғдорчилик ҳамда узумчилик тармоғини янада ривожлантириш тўғрисида»ги қарори ҳаётга татбиқ этиляпти – дейди биз билан суҳбатда туман ҳокими Зафар Рўзиев. – Деҳқон хўжаликлари тузиш ҳисобига 298 гектар боғ, 251 гектар токзор, 250 гектар тутзор 800 дан зиёд кишига тарқатилди.

Бундан ташқари, 279 гектар ер турар-жой қуриш учун ажратиб берилди. 2 мингдан ортиқ деҳқон хўжаликлари тузилиб, «Турнабулоқ», «Турон», «Қизилсув» ширкат хўжаликларига минг гектардан ортиқ ер берилади. Бундай қулайлик деҳқоннинг турмуш фаровонлигини ошириб, рўзғорига қут-барака киритди.

Иқтисодий ночор, паст рентабелли 7 та ширкат тугатилиб, фермер хўжаликларига айлантирилди. Чекка қишлоқлар ва шаҳар марказида қариялар чойхонаси ва маҳалла гузарлари қуришга киришилди. Жорий йилда 2 та маҳалла гузари, 50 дан ортиқ маданий-маиший, савдо тармоқлари фойдаланишга топширилди.

140 нафар фуқарога савдо, умумий овқатланиш, маиший ва пуллик хизмат тармоқларини барпо этиш учун ер берилди. Бундай хайрли ишлар давом эттириляпти. Машина-трактор парки давлат акционерлик жамияти негизида тери ошлаш цехи ишга туширилди. Кичик корхонада бокс қўлқопларини ва аҳоли эҳтиёжини қондириш учун бошқа зарур маҳсулотлар ишлаб чиқариляпти.

Мавжуд 129 та қишлоқдан 49 тасида спорт ўйингоҳлари йўқ эди. Президентимизнинг «Ўзбекистон Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси фаолиятини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармонини бажариш, жисмоний ва маънавий соғлом ёш авлодни тарбиялаш мақсадида 37 та қишлоқда ўйингоҳлар қуриб битказилди. Тоғлик Чайдара қишлоғида бунёд этилган спорт иншооти шаҳардагидан қолишмайди. 13 та қишлоқда янги болалар спорт ўйингоҳлари қурилади. Туман марказида очиқ сузиш ҳавзаси, Эски Яккабоғ шаҳарчасида спорт мажмуаси қуриш режалаштирилган.

Аҳоли соғлиғини мустаҳкамлаш учун марказий шифохонада «Тез тиббий ёрдам маркази» очилиб, замонавий жиҳозлар билан таъминланди. 13 та мактаб тўлиқ, 7 таси қайтадан таъмирланиб, ҳар бир илм масканига 2-3 гектардан ер майдони ажратилди. Таълим муассасаларини маҳаллий хомашёдан тайёрланган парта, доска, китоб жавони, стол-стуллар билан таъминлашни йўлга қўйиш учун кичик ишлаб чиқариш цехлари ташкил этилди.

Туман марказида қурилиш материаллари, дуккакли маҳсулотлар ва ем-хашак сотадиган бозор қурилди. Яккабоғ шаҳарчасида мол бозори қуриш ишлари ниҳоясига етказилди.

Бу йил 16 минг тоннага яқин дон сотилиб, шартнома режаси ошириб бажарилди. Пилла топшириш муваффақиятли уддаланди. 6300 гектар майдонда ғўза ўстираётган пахтакорлар гектарлар ҳосилдорлигини 40 центнерга етказиш учун йиғим-теримни кун сайин авж олдиришяпти.

Юртбошимиз тумандаги Жуман Мехлиев номли ширкат хўжалигида оилавий пудрат асосида меҳнат қилаётган Қўйли Ҳасанов даласидаги деҳқонлар билан учрашув чоғида пахта ҳосилдорлигини ошириш масаласига тўхталиб, деҳқонлар меҳнатига юксак баҳо бердилар.

**Иззат ҲИКМАТОВ,**
**«Ишонч» мухбири**

---

*2004 йил — Меҳр ва мурувват йили*

# ҚАЛБ ЁЛҚИНИ

***Халқимиз азалдан меҳр-оқибатли бўлишни юксак даражада қадрлаб келган. Айниқса, кам таъминланган, ночор, боқувчисини йўқотган оилаларга, ногиронларга қарашиб, ҳолидан хабар олиб туришган. Бу азалий қадриятларимиз эндиликда одат тусига кириб қолди.***

Яқинда Хоразм вилояти касаба уюшмалари Кенгаши ташаббуси билан Урганч шаҳридаги 94-сонли махсус мактаб-интернат тарбияланувчилари ва мураббийларига Ўқитувчилар ва мураббийлар куни муносабати билан тушлик ташкил қилинди. Учрашувда Кенгаш раиси М.Юсупов, Агросаноат мажмуи ходимлари касаба уюшма қўмитаси раиси Қ.Раҳимов, Таълим ва фан ходимлари касаба уюшма қўмитаси раиси М.Раҳимовалар жамоани байрам билан табриклаб, уларга совғалар улашдилар. Мактаб-интернат директори Қ.Нуримов, ўқувчи Т.Абдуллаев ва бошқалар касаба уюшмалари раҳбарларига миннатдорчилик билдиришди. Хонқа туманида жойлашган пахта заводи сиҳатгоҳи капитал таъмирланиб, мактабга берилди. У ўз бағрига 100 нафар ўқувчини олди.

Хоразмда янги ўқув йилида ҳомий ташкилотлар кўмагида 10 та коллеж фойдаланишга топширилди. Шунинг ярмиси замон талабларига мос келадиган даражада қурилди. Қолгани капитал таъмирланди. Боғот, Гурлан туманларида иқтисодиётга, Қўшкўпир, Шовот, Хазорасп туманларида қишлоқ хўжалигига мўлжалланган коллежлар фойдаланишган топширилди. Хонқа, Хива, Янгиариқ, Урганч туманларида ҳам замонавий коллежлар ишга туширилди.

Орол денгизи яқинидаги Қизилжар массивида Хоразм вилоятига ажратилган 5 минг гектар ер бор. Шу ердаги учта мактабда 200 дан ортиқ мураббий ва мактаб хизматчилари меҳнат қилишади. Яқинда таълим ва фан ходимлари касаба уюшмалари вилоят қўмитаси раиси М.Раҳимова бир гуруҳ санъаткорлар билан бирга Қизилжар массивида бўлиб, ўқитувчиларга совға-саломлар улашди. Шунингдек, қўмита Хивадаги 97-сон мактаб-интернатга 182 дона мактаб формалари тарқатди.

**Э.ЭРМАТОВ,**
**«Ишонч» мухбири**

---



Чортоқ машина-трактор парки акциядорлик жамияти йил сайин иқтисодий имкониятлари яхшиланиб бораётган корхоналардан ҳисобланади. Айни кунда мазкур жамоа аъзолари 132 та фермер хўжалигига намунали хизмат кўрсатишмоқда. Бу ерда акциядорларнинг моддий манфаатдорлиги йил сайин ошиб бормоқда.



**Суратларда: чилангарлар Муҳаммад Алматов ва Жамолиддин Холмирзаевлар.**

**И.ҲАСАНОВ**
**олган суратлар**

---

*Бир Фармон шарофати*

# ФЕРМЕР

## мулкдорлар синфининг истиқболли вакили

***Фермер қишлоқ мулкдори. Ер, техника, ўғит, ёнилғи-мойлаш материаллари унинг тасарруфида. Бироқ жамоага раҳбарликнинг ўзига яраша масъулияти бор. Шартнома режасини бажариб, эл-юрт фаровонлигини ошириш, дастурхон тўкинлигини таъминлаш фермернинг биринчи даражали бурчи.***

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «2004-2006 йилларда фермер хўжаликларини ривожлантириш концепцияси тўғрисида»ги Фармони хўжаликларнинг тўлиқ иқтисодий ва молиявий мустақиллигини таъминлаш, ер ресурсларидан оқилона ва самарали фойдаланишга қаратилган.

Шу боис Қонликўл туманида Фармон ижросига алоҳида эътибор бериляпти. Иқтисодий жиҳатдан ночор, рентабелсиз «Сари олтин», Қўламет Жиров номли, «Туркистон» ширкатлари фермерлар уюшмасига айлантирилди. Туманда 369 та фермерлар фаолият кўрсатаётган бўлса, шундан 295 таси ғаллачилик, 50 таси пахтачилик, 20 таси чорвачилик, 4 таси боғдорчиликка ихтисослашган.

– Фермер, дегани универсал қобилиятга эга бўлиши керак, - дейди биз билан суҳбатда тумандаги «Сейтмурод» деҳқон-фермер хўжалиги раҳбари С.Сапаров. – Чунки у бир вақтнинг ўзида ҳам деҳқон, ҳам агроном, ҳам чорвадор, керак бўлса механизаторлик, механик, ҳисобчилик ва таъминотчилик вазифаларини бажаради.

1999 йилда ташкил этилган кичик жамоа бугунги кунда юксалишнинг ойдин йўлига ўтиб олган. Қорамоллар сони 130 бошга етди. Чорвачиликнинг ўзидан қарийб 2 миллион сўм соф фойда олинди. Рентабеллик даражаси 29,2 фоизни ташкил қилди. 10 тонна сут, 5 тонна гўшт шифохоналар ва болалар боғчаларига етказиб берилди.

Хўжаликда ишлаётган 12 кишига ойлик маошидан ташқари 300 минг сўмдан мукофот пули, қишлоқ хўжалик маҳсулотлари, сут тарқатилди. Ишчиларга 396 минг сўмлик моддий ёрдам кўрсатилди.

Қишлоқ хўжалиги фанлари номзоди Сейтмурод Сапаров назарий билимларини амалда қўллаб, қувончли натижаларга эришмоқда. Деҳқончилик илмини пухта эгаллаган олим ҳар бир даланинг картограммасини ишлаб чиққан. Бўш қолган майдонларга озуқа экинлари ўстиради, ернинг умри бекор ўтмайди.

Техника хизматидан самарали фойдаланиляпти. Ўтган беш йил давомида келган даромад ҳисобидан «Т-4 Алтай», «МТЗ-80», «ЮМЗ» русумли тракторлар, комбайн, ҳашак ўриш механизмлари сотиб олди. Хўжалик ҳисобидаги ун тегирмони «Туркистон» овули аҳолисининг оғирини енгил қилаяпти.

– Агар деҳқонга эркинлик берилса, у ўз ерига хўжайин бўлиб, меҳнати маҳсулидан фойда кўрса, ҳеч қандай мажбурият ва даъватларсиз унумли меҳнат қилаверади, - дея суҳбатни давом эттиради фермер. – Деҳқончилик тармоғини кенгайтириб, келаси йили 30 гектар ерда ғўза ўстирамиз. Шунинг учун яна битта трактор сотиб олдик.

Хўжаликнинг бизнес-режасида жамоанинг иқтисодий-ижтимоий дастури ўз ифодасини топган. Жорий йилда қорамоллар сони 30 бошга кўпайди. 40 тонна сут, 8 тонна гўшт истеъмолчиларга етказиб берилади.

Мавжуд 72 гектар экин майдонида шоли, сабзавот, полиз экинлари, кунгабоқар, мол озуқаси етиштириляпти. Камида беш миллион сўм соф фойда олиш мўлжалланмоқда.

Жамоада ишчиларнинг ижтимоий ҳимоясига эътибор кучайтирилган. Ходимларнинг икки ёшгача бўлган болаларига тўланадиган нафақалари ва ойлик маошлари вақтида тарқатилади. Бериладиган қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ва мукофот пулларидан ташқари ўртача ойлик иш ҳақи 30-35 минг сўмга етказилган. Агар ходим касал бўлиб қолса, хўжалик ҳисобидан шифохоналарда текин даволанади. Ишчиларнинг фарзандларига дарсликлар ва ўқув қуроллари олиб берилмоқда. Келгусида чорвачилик ва деҳқончилик маҳсулотларини қайта ишлаш цехи қуриш режалаштирилган.

Ерни боққан элни боқади. Шу боис тажрибали мутахассис, етук олим бошлиқ деҳқон-фермер хўжалигининг иқтисодий қуввати ортиб, меҳнат аҳлининг моддий манфаатдорлиги яхшиланиб бормоқда.

**ЁЛҚИН**

---

# ЎЗИМИЗНИНГ АВТОМОБИЛЛАР УЧУН

***Хонобод шаҳридаги "ЎзКОДЖИ" Ўзбекистон-Корея қўшма корхонасида электржгутлар ва замонавий "Нексия-Донс" ва "Матиз" автомобиллари учун симлар ишлаб чиқарила бошланди.***

Айи пайтда корхонада 400 дан зиёд ишчи ишламоқда, шулардан 47 нафари Корея республикасида бўлиб, "Коджи индастри" компанияси ўқув марказларида малака ошириб қайтишди.

Ўтган йили "ЎзКОДЖИ" қўшма корхонаси 800 миллион сўмлик маҳсулотларни ишлаб чиқарган эди. Жорий йилда бу кўрсаткич 5,5 миллиард сўмга етказилади. Ўтган тўққиз ой мобайнида бу ерда 4 миллиард сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилди.

**"Туркистон-пресс"**

---

# ГАП ЭЪЗОЗУ ЭЪТИБОРДА

*Тадбир*

Буюк бобокалонимиз Алишер Навоий айтганларидек, устоз-мураббийларимиз берган сабоқлар ҳаққини минг ганж (хазина) билан ҳам адо этолмаймиз. Бироқ устоз-мураббийлар байрамида уларни йўқлаш, табрик этмоқ ва кўнгилларини кўтармоқ ҳам қарз, ҳам фарз саналади.

Таълим ва фан ходимлари касаба уюшма Тошкент вилояти қўмитаси томонидан устоз-мураббийлар байрами арафасида Ўзбекистон Миллий Академик драма театрида вилоят ўқув муассасаларида кўп йиллар давомида самарали меҳнат қилаётган ходимлар учун маданий-маърифий тадбир ўтказилди. Унда соҳада меҳнат қилаётган 550 нафар устоз ва мураббийлар иштирок этди.

Тадбир давомида «Таълим тизимида ислоҳотларни амалга ошириш бўйича вилоят комиссияси»нинг қарорига асосан «Энг намунали мактаб - 2004» кўрик-танлови ғолибларига мукофотлар топширилди. Комиссия қарорига кўра биринчи ўринни қўлга киритган Чиноз туманидаги 27-мактаб жамоаси беш юз минг сўм, иккинчи ўринга лойиқ кўрилган Ангрен шаҳридаги 43-мактаб жамоаси тўрт юз минг сўм, кейинги ўринни эгаллаган Олмалиқ шаҳридаги 20-мактаб жамоаси уч юз минг сўм миқдоридаги пул мукофоти билан тақдирланди. Вилоят таълим тизимида кўп йиллик самарали меҳнатлари, ёшларни маънавий баркамол қилиб тарбиялашдаги қўшган ҳиссалари учун 36 нафар устоз ва мураббийларга вилоят ҳокимининг фахрий ёрлиғи ва пул мукофоти топширилди.

Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлигининг буйруғига асосан 31 нафар педагоглар «Халқ таълими аълочиси» кўкрак нишони билан, 9 нафар ўқитувчилар эса Халқ таълими вазирлигининг Фахрий ёрлиғи билан тақдирландилар. «Ўқитувчи ва мураббийлар куни» байрами муносабати билан халқ таълими тизимидаги кўп йиллик самарали меҳнати, таълимни ислоҳ қилиш ва унинг ривожига қўшган ҳиссаси, «Таълим тўғрисида» ги Қонун, «Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури» ни ҳаётга татбиқ этишдаги фаоллиги учун 55 нафар фахрий ва ёш педагогларга вилоят қўмитасининг Фахрий ёрлиғи топширилди.

Тақдирлаш маросимидан сўнг Миллий Академик театрнинг энг яхши саҳна асарларидан бири «Чимилдиқ» спектакли намойиш қилинди.

**А.ЮНУСОВ,**
**«Ишонч» мухбири**

---

*Касаба уюшмаларида ҳисобот-сайловлар*

# ТАҲЛИЛ НИМАНИ КЎРСАТДИ?

***Касаба ташкилотларида ҳисобот-сайловлар қизғин давом этяпти. Уларда ўтган беш йилдаги фаолиятга баҳо берилиб, эришилган натижалар сарҳисоб қилинмоқда. Йўл қўйилган камчиликларнинг сабаблари таҳлил этиляпти. Хусусан Бухоро йўл ва кўприклардан фойдаланиш бошқармасида бўлиб ўтган йиғилишда ҳам асосий эътибор муаммолар ечимига қаратилди.***

Айни пайтда мазкур жамоада 192 нафар киши меҳнат қилмоқда. Улар вилоят ҳудудини ободонлаштириш, кўприклар барпо этиш каби ишларни бажариб, вилоятни янада салобатли бўлиши учун ўз ҳиссаларини қўшиб келишмоқда. Ушбу жамоа аъзолари кейинги йилларда қурилиб фойдаланишга топширилган «Зарафшон - Ньюмонт» қўшма корхонаси, Навоий - Учқудуқ темир йўл қурилиши, шунингдек, автомобил йўллари атрофини ободонлаштириб, тартибга келтиришда фаол иштирок этишди. Улар томонидан 2 та кўприк барпо этилди. Кейинги йиллар давомида 1,6 миллиард сўмлик иш бажарилди. Корхона тасарруфидаги фермер хўжалиги, асфальт заводи, темир-бетон корхонаси, шунингдек, Қуйимозор ҳамда Қоровулбозордаги иш жойларида ҳам яхшигина натижаларга эришилди.

Мана шундай меҳнат қилаётган ишчи-хизматчиларга кўнгилдагидек иш ва меҳнат шароитини яратиш учун корхона маъмурияти ҳамда касаба уюшма қўмитаси бор имкониятни ишга соляпти. Меҳнат муҳофазаси ҳамда техника хавфсизлиги масалаларига ҳам алоҳида эътибор бериляпти. Жамоа шартномасида меҳнаткашлар учун кўпгина имтиёзлар кўзда тутилганлиги ҳам муҳим аҳамият касб этмоқда.

Бироқ шундай бўлса-да, жамоа шартномасида кўзда тутилган имтиёзларни амалга оширишда айрим муаммоларга ҳам дуч келинмоқда. Масалан, ишчи-хизматчиларни махсус кийим-бош, шахсий ҳимоя воситалари ҳамда зарарли иш шароитида ишловчиларни сут ва сут маҳсулотлари билан таъминлашда айрим камчиликларга ҳам йўл қўйилди. Жамоа шартномасининг бандларини бажарилиши ҳар уч ойда муҳокама этиб келинаётганлигига қарамай, кўзда тутилган имтиёзларни ўз вақтида бажарилишида ҳам сусткашлик мавжуд. Шуни алоҳида таъкидлаб ўтиш зарурки 2003 йилнинг 14-иш ҳақи ҳануз ишчи-хизматчиларга берилгани йўқ. Лекин корхонада меҳнаткашларни ижтимоий ҳимоялашга имконият даражасида ҳаракат қилинди. Меҳнат муҳофазаси ҳамда техника хавфсизлиги учун 4,8 миллион сўм сарфланди. Ҳар бир ишловчи учун бу 26 минг 800 сўмни ташкил этди. Янги иш бошлаганлар меҳнат муҳофазаси қонун-қоидалари билан атрофлича таништирилдилар. Тўй ва турли маросимлар учун энг кам иш ҳақининг 10 баробари миқдорида моддий ёрдам кўрсатилди. Уй-жой қурилиши ҳамда таъмирлаш учун ходимларга қурилиш материалларидан ёрдам берилди.

Мана шундай ҳисобот-сайлов йиғилиши Бухородаги 2533-автокорхонада ҳам бўлиб ўтди. Унда йиғилиш қатнашчилари корхона касаба уюшма қўмитасининг ҳисобот даврида амалга оширган ишлари билан атрофлича танишдилар. Дарҳақиқат ўтган 5 йил мобайнида мазкур корхонада меҳнаткашларни ҳуқуқий ҳамда ижтимоий-иқтисодий жиҳатдан ҳимоялаш борасида бир қатор ишлар амалга оширилди.

Айни вақтда касаба уюшма қўмитаси таркибида 5 та комиссия фаолият кўрсатмоқда. Шу ўринда меҳнат низолари комиссияси олиб бораётган ишлар диққатга сазовордир. Мазкур комиссия аъзоларининг саъй-ҳаракатлари туфайли айрим келишмовчилик ҳамда меҳнат низолари ўз вақтида ечимини топмоқда. Бунинг натижасида жамоада соғлом маънавий муҳит ҳукмрон. Шу билан бирга маъмурият ҳамда касаба уюшма қўмитаси ўртасида тузилган жамоа шартномасининг бандлари ҳам ўз вақтида бажариб келинмоқда. Унда меҳнаткашларга 17 та қўшимча имтиёзлар кўзда тутилган.

Автокорхонада жисмоний тарбия ва спортнинг яхши йўлга қўйилганлиги ҳам кишини қувонтиради. Корхона ёшларининг 2 йилдан бери спорт мусобақаларининг совриндорлари сифатида тилга олиб келинаётганлиги фикримизни тасдиқлаб турибди. Корхона спортчилари мини футбол, волейбол, шахмат-шашка бўйича яхши натижаларга эришишмоқда. Бунинг асосий омили - маъмурият ҳамда касаба уюшма қўмитаси мазкур йўналиш учун кейинги йилларда 1 миллион сўмдан зиёд маблағ сарфлаганлигидир. Ҳайдовчилар ҳар йили тиббий кўрикдан ўтказилмоқда. Корхонадаги мавжуд 17 та цехнинг барчасида ишчи-хизматчилар учун кўнгилдагидек иш шароити яратилган.

Корхонанинг кам таъминланган, эҳтиёжманд меҳнаткашлари маъмурият ва касаба уюшма қўмитасининг доимий диққат эътиборида. Уларга корхона ҳисобидан 453 минг, касаба уюшма қўмитаси томонидан 140 минг сўмлик моддий ёрдам кўрсатилди. Бир қатор ташкилот ҳамда ўқув муассасалари ҳам оталиққа олинган.

Автокорхонада муаммолар ҳам йўқ эмас. Жумладан айрим цехларда чанг ютгич мосламалари ишламайди. Ҳимоя воситаларини ҳам янгилаш зарур. Зарарли иш шароитида ишловчиларни сут маҳсулотлари билан таъминлашда ҳам узилишлар бўлиб турибди. Ҳисобот сайловида сўзга чиққанлар қўлга киритилган ютуқларни таъкидлаб, йўл қўйилган камчиликларни бартараф этиш юзасидан ўз фикр-мулоҳазаларини билдирдилар.

Дарҳақиқат, Бухоро вилоят автомобил транспорти ва йўл хўжалиги ходимлари кенгаши тизимидаги корхоналарда бир қатор муаммолар йиғилиб қолган. Шу жумладан айрим жойларда иш ҳақининг ўз вақтида берилмаслиги ҳолатлари ҳам учраб турибди. Буни Шофиркон, Ромитан ҳамда Коғон туманлари автомобил йўллари бошқармалари мисолида ҳам кўриш мумкин. Юқорида айтиб ўтганимиздек, зарарли шароитда ишловчиларни сут ва сут маҳсулотлари билан таъминлаш масаласига алоҳида эътибор қаратилиши зарур. Шахсий ҳимоя воситалари ҳамда махсус кийим-бош масаласини тубдан яхшилаш давр тақозосидир.

**Неъмат РАФИҚОВ,**
**«Ишонч» мухбири**

---

# СИФАТ ЯХШИЛАНМОҚДА

***Сайхунобод туманидаги пахта тозалаш очиқ турдаги хиссадорлик жамияти ишчи-хизматчилари ҳам мавсумни уюшқоклик билан олиб боришаётир.***

Корхона йилига 39 минг тонна хом ашёни қайта ишлашга мўлжалланган. Ҳозир кунига 45-50 тонна пахта қайта ишланмоқда. 2004 йил ҳосилидан 1700 тонна хом ашё қайта ишланди.

- Бирон йил йўққи, корхона жамоаси режани бажармаган бўлсин. Сабаби, ишчи-хизматчиларимизга яратилган қулайликлар анча қўл келяпти, - дейди корхона раҳбари Эркин Ҳакимов. - Ишчиларимиз бепул иссиқ овқат, сут, махсус уст-бошлар билан таъминланган, ойлик маошларини ўз вақтида олиб туришибди...

Ҳа, жамоада ишчи-хизматчиларни пухта ижтимоий муҳофаза қилишга катта эътибор берилялти. Корхона қошида ташкил этилган ёрдамчи хўжалик яхшигина фойда келтираяпти. Бу ерда ҳозир 40 бош қорамол парвариш қилинмоқда. Чорва тармоғида етиштирилган сут маҳсулотлари ишчиларга берилялти. Бундан ташқари, жамоа аъзолари мунтазам дам олиш масканларига бориб, соғлиғини мустаҳкамлаб қайтишади. Кўпчилик ишчилар уй-жой билан таъминланган.

Ширкат ва фермер хўжаликлари пахта топширишни жадаллаштирмоқда. Ҳозиргача 11 минг тоннадан зиёд пахта қабул қилинди. Ҳосил асосан 1-2 навларга қабул қилинмоқда.

Корхонада 420 нафар турли миллат вакилларидан иборат ишчи-хизматчилар аҳил меҳнат қилишмоқда. Пахтани қабул қилиш майдонлари тоза-озодалиги билан баҳри-дилингизни очади. Умуман хўжаликлардан келаётган пахта карвонларининг навбат кутиб, туриб қолишига йўл қўйилмаяпти. Бир сўз билан айтганда эзгу мақсад сари олиб борилаётган ишлар изчил давом этмоқда. Шу туфайли корхонада ишлаб чиқарилаётган маҳсулот миқдори кўпайиб, сифатини яхшилашга ҳам эришилди. Бу эса ўз навбатида корхона экспорт салоҳиятини оширмоқда.

---

*Қонун барчага баробар*

# ҚИНҒИР ИШНИНГ ҚИЙИҒИ

***Шаҳримизда нақд пул тушумига эга объектлар сони 436 тани ташкил қилади. Яқин ўтган вақт мобайнида шуъба ходимлари томонидан 19 нафар юридик ва 55 нафар жисмоний шахсларга тегишли савдо шохобчаларида қисқа муддатли текширишлар ўтказилди. Шулардан 69 ҳолатда қонунбузилиш содир этилгани аниқланди.***

Вазирлар Маҳкамаси қарорлари ижроси юзасидан ўтказилган текширувларда жисмоний шахслар томонидан 4 миллион 467 минг сўм нақд пул тушуми .банк хазинасига топширилмасдан бошқа мақсадларга ишлатиб юборилганлиги маълум бўлди. Кейинги текширувларда ҳам шундай ҳол кузатилди. Тадбиркор Ғофур Нурмуродов ўзига тегишли дўконда савдо қила туриб, нақд пул маблағларини назорат-касса машинасидан ўтказмади. Текшириш жараёнида унинг яна бир сири ошкор бўлди. Назорат-касса машинаси кўздан кечирилганида, НКМ фискал хотирасига ўзгартириш киритилганлиги маълум бўлди. Нафс майлига қулоқ осиб, қуюшқондан чиққан Ғ.Нурмуродовга катта мидордаги молиявий жарима солинди. Бундан ташқари, акциз маркасиз 465 қути тамаки маҳсулотлари, 199 шиша спиртли ичимликлар, 109 литр спирт савдодан олиб қўйилди.

«Навоиймевашаробсавдо» корхонаси дўкони сотувчиси О.Омонов ҳам савдо пулларини НКМдан ўтказмай киссасига урди. Бу ҳам етмагандек, унинг кирим ҳужжатлари мавжуд бўлмаган 42 минг сўмлик маҳсулот сотаётганлиги аниқланди. Феруза Келдиёрова тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиш учун шаҳар ҳокимлигидан рухсатнома олди. Ҳар бир ишини қонун-қоида асосида амалга ошираверса, сира кам бўлмасди. Аммо у Давлат солиқ инспекцияси рўйхатидан ўтмасдан банк орқали 167 миллион 511 минг сўмлик товарларни пул кўчириш йўли билан сотди. 20 миллион 807 минг сўмни эса назорат-касса машинасидан ўтказмади.

Ана шундай текширувлар якуни бўйича 28 та ҳолатда жавобгар шахслар салкам 572 минг сўмлик маъмурий жавобгарликка тортилди. 36 та текшириш ҳужжатлари солиқ ва валютага оид жиноятларга қарши кураш бўлими ҳамда суд органларига юборилди. Иккита ҳолат бўйича жиноий иш қўзғатилди.

**Анвар УСМОНОВ,**
**Зарафшон шаҳар Давлат солиқ инспекцияси шуъба бошлиғи**

